

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қарши туман Аҳоли бандлигига
кўмаклашиш маркази директори
Ш.А.Авазов

 28 апрель 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

“ҚАРШИ ТУМАН АБКМ ”

Қарши туманида ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида тикув машинкалари сотиб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қарши тумани

2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I.

II. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрель кундаги 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Қарши туманида ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича замонавий ускуналар билан жихозланган бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати

Тикув машинкалари харид қилиш

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 180200, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти,Қарши тумани,Бешкент шаҳри Амир Темур кучаси 3-уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “ҚАРШИ ТУМАН АХОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қарши туман Аҳоли бандлигига
кўмаклашувчи маркази директори
Ш.А.Авазов

20 апрель 2022 йил

Қарши туманида ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида тикув машинкалари сотиб олиш бўйича

**ТЕХНИК
ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Қарши туманида ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида тикув машинкаси сотиб олиш .
2	Буюртмачи	“Қарши туман АБКМ”
3	Буюртма учун асос	Ишсиз фуқароларни касбга қайта ўқитиб,ўзини-ўзи бандлигини таъминлаш зарурияти..
4	Объектнинг жойлашган манзили	Қарши тумани Бешкент шаҳри Амир Темур кучаси 3-уй
5	Қатнашувчи учун талаблар	Тикув машинкаси харид қилиш
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан тахминан 87 600 000(Саксон

		етти миллион олти юз минг) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган тикув машинкалари етказиб бериш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 28 майгача
10	Молияташтириш манбаи	Бюджет бўлмаган(Бандлик жамғармаси фонди)

Қарши туман АБКМ директори:

Ш.Авазов

Қарши туман АБКМ директори ўринбосари:

Т.Алмарданов

Қарши туман АБКМ ДХМИ:

Ш.Жумаев

Қарши туман АБКМ бош ҳисобчиси:

Т.Дусмуратов

Қарши туман АБКМ ходими:

И.Муминов

Қарши туман АБКМ ходими:

Н.Худойбердиев